

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 236-ҳадис

236/367 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ اشْتِمَالِ الصَّمَاءِ، وَأَنْ يَحْتَبِي الرَّجُلُ فِي تَوْبِ وَاحِدٍ، لَيْسَ عَلَى فَرْجِهِ مِنْهُ شَيْءٌ.^{*}

236.367 Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саммоча ўранишдан ва кишини авратни тўсишга ярамайдиган бир эн кийимда эҳтибо* қилиб ўтиришдан қайтардилар».

Изоҳ: «Саммоча ўраниш» деганда маълум суратда кийиниш назарда тутилади: а) эн кийимни қўл-оёқларини ҳам қўшиб, бутун танасига ўраб олиш. Бунда киши қўллари эркин ҳаракат қила олмагани сабабли турли зарарлардан ўзини ҳимоя қила олмаслиги мумкин. Шунингдек, қўлинин ҳаракатлантирганда аврат жойининг очилиб кетиш эҳтимоли ҳам бор. Ана шу сабабларга кўра бундан қайтарилган. Бу маънони луғатшунослар танлаган; б) эн кийимни бир елкадан ташлаб олади-да, иккинчи томони очиқ қолади. Бу ҳолатда ҳаракат қилинганда аврат очилиб қолади. Шу сабабдан бундай кийинишдан қайтарилган. Бу маънони фақихлар танлаган. Бу икки ҳолатда ҳам кийимни яланғоч танага кийиш назарда тутилган.

* «Эҳтибо» – орқани ерга қўйиб, икки тиззани кўтариб, бел билан болдирини қўшиб, кийимга ўраб ўтириш бўлиб, мато ўрнида инсоннинг ўз қўли бўлиши ҳам мумкин, яъни орқани ерга қўйиб, икки тиззасини қучоқлаб ўтириш ҳам «эҳтибо» дейилади.

Манба: hadis.islom.uz



